

КОРПОРАТИВ ШАРТНОМА: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ МАСАЛАЛАРИ**Оринбаев Ж. –***Абу Райхон Беруний университети
катта ўқитувчиси*

Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш ҳуқуқшунослик фанлари ва амалиёт олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан корпоратив шартнома институти хўжалик жамиятлари фаолиятини тартибга солишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бироқ, корпоратив шартноманинг ҳуқуқий табиати, унинг мажбурий кучга эгаллиги ва амалий қўлланилиши билан боғлиқ бир қатор назарий ва амалий муаммолар мавжуд.

Корпоратив шартнома - бу жамият иштирокчилари (акциядорлари) ўртасида уларнинг корпоратив ҳуқуқларини амалга ошириш ёки улардан воз кечиш тартибини белгилашга қаратилган фуқаролик-ҳуқуқий шартномадир. У оддий фуқаролик шартномаларидан фарқли равишда, фақат мулкӣ эмас, балки бошқарувга оид муносабатларни ҳам қамраб олади.

Назарий жиҳатдан корпоратив шартноманинг ҳуқуқий табиати юзасидан турли ёндашувлар мавжуд:

корпоратив шартномани фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг алоҳида тури сифатида баҳолаш;

корпоратив ҳуқуқ институтининг мустақил элементи деб қараш;

жамият уставини тўлдирувчи ҳужжат сифатида талқин этиш.

Ушбу ёндашувлар ўртасидаги ягона позициянинг мавжуд эмаслиги корпоратив шартноманинг ҳуқуқий мақомини аниқлашда бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Ҳуқуқ назариясида корпоратив шартнома фуқаролик ҳуқуқий тартибга солувчи шартнома сифатида назарий жиҳатдан қаралади, аммо унинг корпоратив бошқарувнинг тизими ичидаги ўрнини белгилайдиган ягона концепция ҳали шаклланмаган. Хорижий тадқиқотларда корпоратив шартнома иштирокчиларнинг ҳуқуқларини мувофиқлаштириш механизми сифатида қаралади.

Корпоратив шартномаларнинг ҳуқуқий табиатини аниқлаш масаласига тўхталганда, шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига корпоратив шартнома тўғрисидаги нормалар киритилишидан анча олдин ҳам, илм-фан ва амалиётда корпоратив шартнома фуқаролик-ҳуқуқий шартнома ҳисобланиши умумэътироф этилган эди. [1]

Корпоратив шартнома – бу корпоратив бошқарув усули бўлиб, унинг орқали ширкат иштирокчилари – шартнома тарафлари ўз корпоратив ҳуқуқларини мустақил равишда эмас, балки шартнома билан белгиланган тартибда қарор қабул қилиш орқали амалга ошириш имкониятига эга бўладилар. Корпоратив шартномани тузиш иштирокчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиш имконини беради ва уларга акциялар (ишлаб чиқариш қийматидаги улушлар) ёки ширкат устав капиталидаги улушларига эгаллик қилиш билан боғлиқ бир қатор имкониятларни тақдим қилади.

Кўпгина олимлар [2] корпоратив шартнома ва оддий шериклик шартномаси ўртасидаги чамбарчас боғлиқликни таъкидлайди. Масалан, В.Г.Бородкин [3] корпоратив шартнома оддий шериклик шартномаси моделида тузилиши мумкинлигини қайд этиб, буни икки ёки ундан ортиқ шахслар (шериклар) фойда олиш ёки бошқа мақсадга эришиш учун юридик шахс ташкил этмасдан ўз ҳиссаларини бирлаштириш ва биргаликда ҳаракат қилиш мажбуриятини олишлари билан асослайди. Худди шундай фикрни Р.В.Шмелев [4] ҳам билдиради, у корпоратив шартномани оддий шериклик шартномаси сифатида квалификация қилишнинг яна бир далил сифатида корпоратив шартнома тўғрисидаги қоидаларни қўшма корхона тузиш тўғрисидаги шартномага қўллашни назарда тутди.

Россия Федерацияси ФКнинг 67.2-моддасида [5] қонун чиқарувчи томонидан келтирилган корпоратив шартнома талқини илгари мавжуд бўлган акциядорлик

келишувлари ва масъулияти чекланган жамият иштирокчиларининг ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисидаги шартномалар қоидаларини ўзида бирлаштиради. Шубҳасиз, асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланган Фуқаролик кодексида «корпоратив шартнома» атамасининг мустаҳкамланиши тасодифий эмас.

Илмий доираларда таъкидланишича, хўжалик жамиятларида иштирокчилар ва таъсисчилар ўртасидаги муносабатларни айнан шартномавий усулда тартибга солиш зарурати анча аввалдан шаклланган, зеро фақат устав (ёки бошқа таъсис ҳужжати)дан фойдаланиш муаммоли ҳисобланади [6].

Корпоратив шартнома корпоратив ҳуқуқда мутлақо янги институт бўлиб, Россия корпоратив ҳуқуқининг ўзига ҳам бир неча ўн йиллар бўлгани сабабли, ҳуқуқшунос олимлар амалиётда бундай шартномаларни тузишда жамият иштирокчилари дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни фаол равишда таҳлил қилмоқдалар.

Корпоратив шартноманинг ҳуқуқий табиати акциядорлик келишуви ҳамда иштирокчиларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисидаги шартнома қоидаларини (агар гап масъулияти чекланган жамиятлар ҳақида кетаётган бўлса) ўзида мужассамлаштиради. О.В.Осипенко корпоратив шартномани кенгроқ тушуниш ва қўллаш зарурлигини таъкидлайди, бироқ биз бу фикрга қўшилмаймиз [7].

Корпоратив шартнома бир нечта субъектлар фаолиятини уларнинг хулқ-атворини, манфаатларини чеклаш, мол-мулк ва корпоратив муносабатларга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаш орқали бирлаштиришга қаратилган. Корпоратив шартнома иштирокчилари фаолиятини умумлаштириш шартноманинг умумий мақсадга йўналтирилган хусусиятга эга эканини кўрсатади. Бу фаолият ҳар бир иштирокчининг корпоратив ҳуқуқ ва мажбуриятларини оқилона ва мувоzanатли амалга оширишга қаратилган. Амалиётда бу ортиқча низо ва можароларнинг олдини олишга, судлар юқини камайтиришга ҳамда жамиятнинг янада самарали фаолият юритишига хизмат қилади.

Аввало, қонун чиқарувчи корпоратив шартномалар ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларига нисбатан турлича талабларни белгилайди. Таъсис ҳужжатлари, камида, давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Бизнингча, корпоратив шартномани таъсис шартномалари ва шунга ўхшаш бошқа ҳужжатлар билан аралаштириб юбормаслик лозим, чунки уларнинг ҳуқуқий табиати ва мақсади турличадир.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ иқтисодий муносабатларни тартибга солишга қаратилган янги қонунчилик базасини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда мавжуд маъмурий-бўйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш борасида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди ва ушбу ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда, бозор иқтисодиётининг асосий қонуниятларини жорий қилишга кенг эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф–5464-сон фармойиши [8] билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясининг (кейинги ўринларда концепция) “Ш. Бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини шакллантириш” бўлими 4-бандида белгиланишича, корпоратив муносабатларни фуқаролик кодексининг тартибга солиш предмети доирасига киритиш, жумладан, оммавий акциядорлик жамиятлари фаолиятининг ўзига хосликларини белгилаш, корпоратив ҳужжат кучига эга ва учинчи шахслар учун мажбурий бўлган «корпоратив шартнома»ни жорий қилиш, тенг акциялар пакети эгалари жамият фаолиятини издан чиқарганида корпоратив танглик вазиятидан чиқиб кетиш механизмларини белгилаш лозим.

Корпоратив шартнома акциядорлик жамиятлари иштирокчилари ўртасида юзага келадиган турли хил низолар, чиқиб бўлмайдиган (боши берк кўчага кириб қолинганда) турли вазиятларда тарафлар ўртасидаги муаммоларни ечимини топишга имкон берадиган восита ҳисобланади. Бу восита ривожланган хорижий мамлакатларнинг жумладан, (АҚШ,

Россия ва бошқа мамлакатлар) амалиётида бир неча ўн йиллардан бери қўлланилиб келмоқда.

Фикримизча, корпоратив шартнома ўз ҳуқуқий табиати бўйича мураккаб ҳуқуқий конструкция ҳисобланади, у ўз ичига ҳам мажбурият-ҳуқуқий, ҳам корпоратив қисми камраб олади. Бу бундай шартномаларни тартибга солишда Фуқаролик кодексидаги шартномаларга оид умумий нормаларни қўллаш имкониятини чегаралайди, аммо бутунлай истисно қилмайди.

Корпоратив бошқарув воситаси сифатида корпоратив шартномалар уларни тузган иштирокчиларнинг корпоратив ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини таъминлайди, бу уларни замонавий шароитда талабчан қилади. Шу билан бирга, бу корпоратив шартнома нормаларини жамият уставидан юқори кўйиш ҳақида сўз юритиш учун асос бермайди.

Корпоратив шартноманинг мазмуни унда келишилган шартлар мажмуасини акс эттиради. Корпоратив шартномадан иштирокчилар томонидан шартномада мустаҳкамланган ҳуқуқларни амалга ошириш ва мажбуриятларни бажаришдан иборат бўлган корпоратив муносабатлар келиб чиқади. Яъни, корпоратив шартноманинг ўзи ҳам, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар ҳам, ўз-ўзидан, мулкӣ объектлардан фойдаланиш тартибини белгиламайди. Аввало, улар шартнома иштирокчилари ва муносабатларининг хўжалик жамияти фаолиятини таъминлаш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларини амалга ошириш учун аҳамиятли бўлган муайян объектларга таъсирини тартибга солишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 358¹-моддасига кўра, хўжалик жамиятининг иштирокчилари ёки айрим иштирокчилари ўз аъзолик ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисида ўзаро корпоратив шартнома тузишга ҳақли. Ушбу шартномага мувофиқ мазкур хўжалик жамиятининг иштирокчилари ўз аъзолик ҳуқуқларини амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш (воз кечиш), шу жумладан жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида овоз бериш, жамиятни бошқариш бўйича ҳаракатларни келишиб амалга ошириш ўз устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини (акцияларини) маълум нархда ёки муайян ҳолатлар юзага келганда қўлга киритиш ёки бошқа шахсга бериш ёхуд қўлга киритишдан ёки бошқа шахсга беришдан ўзини тийиш мажбуриятини олади.

Корпоратив шартнома ёзма шаклда тузилади ва шартнома тарафлари учун мажбурийдир. [9] Корпоратив шартномага жамият иштирокчилари жамият органларининг кўрсатмаларига мувофиқ овоз бериши тўғрисидаги ва жамият органларининг тузилишини ҳамда уларнинг ваколатларини белгилаш ҳақидаги шартлар киритилиши мумкин эмас. Мазкур шартларга зид бўлган корпоратив шартноманинг шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. ўлиши қолган тарафлар учун шартноманинг бекор бўлишига олиб келмайди.

Корпоратив шартномада шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари ва бундай мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик назарда тутилиши мумкин. [10]

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, корпоратив шартнома — бу консенсуал, ҳақ эвазига тузиладиган, икки томонлама мажбурият юкловчи, кўп томонлама, тадбиркорликка оид, ташкилий-мулкӣ хусусиятга эга бўлган аралаш, хўжалик жамияти иштирокчилари ёки уларнинг айримлари ўртасида тузиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномадир.

Корпоратив шартнома томонлар имзолаган ягона ҳужжатни тузиш орқали ёзма шаклда расмийлаштирилади. Ягона ҳужжатни тузиш шартномавий муносабатларни расмийлаштиришнинг асосий ва энг кўп қўлланиладиган усули ҳисобланади. Унинг моҳияти шундан иборатки, томонлар ўзларининг ўзаро ирода билдиришини ўз ичига олган ҳужжатни имзолайдилар.

Хозирги кунда корпоратив шартномани янада такомиллаштириш учун бир нечта муҳим йўналишлар бор [11]. Бу масалада мақсад — шартномани ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам, моддий ва молиявий шартларни такомиллаштириш, фаолиятга мос ва келишмовчиликларни камайтирувчи ҳужжатга айлантириш, замонавий технологиялардан фойдаланиш орқали шартномаларни тузишни таъминлаш лозим.

Корпоратив шартномани мазмун моҳиятини назарий ва амалий жихатда ўрганиш, унинг замирида қандай маъно ётганлигини англаб етиш келгусида бизнес фаолиятинини ҳуқуқий жихатдан ҳимоя қилиш, инвестиция хавфини камайтириш ва компания бошқарувини самарали ташкил этиш учун хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Топилдиев В.Р. Фуқаролик қонунчилигида корпоратив муносабатларни такомиллаштириш истиқболлари ҳусусида айрим мулоҳазалар. Eurasian journal of law, finance and applied sciences журнали 2022. 105-114 бетлар.
2. Гуреев В.А. Проблемы защиты прав и интересов акционеров в РФ: автореф. дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.03 / В.А. Гуреев. –М., 2007. –28 с.
3. Бородкин В.Г. Предмет и содержание корпоративного договора в России и иностранных правовых порядках / В. Г. Бородкин // Право и экономика. 2014. –№ 2. –С. 39-44.
4. Шмелев Р.В. Корпоративный договор в гражданском праве Российской Федерации [Электронный ресурс] // СПС «КонсультантПлюс» Гражданский кодекс Российской Федерации (часть первая) от 30.11.1994 № 51-ФЗ // Собрание законодательства РФ. 1994. № 32. Ст. 3301.
5. Гражданский кодекс Российской Федерации (часть первая) от 30.11.1994 № 51-ФЗ // Собрание законодательства РФ. 1994. № 32. Ст. 3301.
6. Донцов А.Сделки слияний и поглощений в практике международных компаний: конспект лекций. 3-я ред., ver. В. Март, 2020. 100 с.
7. Осипенко О. В. Институт корпоративного договора в РФ. Новые модели // Вестник арбитражной практики. 2019. № 5. С. 16–33.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли фармойиши билан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 7 февралдаги ЎРҚ-1025-сонли Қонунига асосан киритилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.02.2025 й., 03/25/1025/0116-сон.
10. Топилдиев В.Р. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. –Т., «Ҳудуд адабиётлари нашри» 2022. –Б. 590.
11. Топилдиев В.Р. Замонавий технологияларни фуқаролик-ҳуқуқий фанларнинг ривожланиши ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга таъсири // “Fuqarolik huquqiy fanlarini rivojlantirish tendensiyalari va fuqarolik qonunchiligini takomillashtirish istiqbollari” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. –Т., 2022. 47-62 бетлар.

РЕЗЮМЕ:

Мазкур мақолада корпоратив шартнома институтининг назарий асослари, корпоратив шартноманинг ҳуқуқий табиати ва фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятлари, миллий қонунчиликда унинг мақоми, жамият устави ва амалиётда юзага келаётган ҳуқуқий муаммолари ҳамда уларнинг қонунчилик билан тартибга солиниши масалалари таҳлил этилган

Калит сўзлар: шартнома, корпоратив шартнома; корпоратив бошқарув, корпоратив бошқарув механизмлари, жамият устави,

РЕЗЮМЕ:

В данной статье проанализированы теоретические основы института корпоративного договора, правовая природа корпоративного договора и его гражданско-правовые особенности, статус в национальном законодательстве, устав общества, а также возникающие на практике правовые проблемы и их урегулирование законодательством.

Ключевые слова: договор, корпоративный договор, корпоративное управление, механизмы корпоративного управления, устав общества.

RESUME:

This article analyzes the theoretical foundations of the corporate agreement, the legal nature of the corporate agreement and its civil-law characteristics, its status in national legislation, the relationship with the company's charter, as well as practical legal issues that arise and their regulation under the law.

Key words: agreement, corporate agreement, corporate governance, corporate governance mechanisms, company charter.